

БУЮК ШОИР ИЗДОШИМАН

МУМИНОВА МУХЛИСА ЛАТИПОВНА

Халқимизнинг тинч, тўкин ва барқарор ҳаёти, ёруғ келажаги йўлида курашган инсонлар номи ҳақли равишда абадиятга дахлдордир. Анашундай ижодкорлардан бири ўзбек шоири ва жамоат арбоби, Ўзбекистон қаҳрамони, Давлат мадҳиямиз матнининг муаллифи Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповдир. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ташабbusи билан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга бағишланган тадбирлар иштирокчisi бўлганимдан бошим осмонга етди. Сабаби мен севган адиб, буюк истиодод эгаси, давлатимиз мадҳияси асосчиси Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг ёрқин хотирасига бағишланган тадбир эди. Тадбирда шоирнинг рафиқаси Ҳанифа опа Абдулла аканинг ҳаётий кечинмалари ва фаолияти борасида тўлқинланиб гапириб унинг шеърларидан айрим намуналарни ўқиб берди. Шунингдек, Америкада умрининг охирги йилларида 6 ой мобайнида дард билан олишгани, шунда ҳам ижоддан тўхтамагани қалам ва қоғозга садоқати ватанга бўлган меҳр билан йўғрилганини эътироф этди. Айниқса шоирнинг «Имтиҳон» деган шеърини менга жуда манзур бўлди, ушбу шеърда Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу. Шуни алоҳида айтиб утишим жоизки, шоирнинг ҳар бир шеъри унинг ҳаётининг, қалбидан кечган туйғуларнинг, изтиробларининг бир парчаси десам муболага бўлмайди. Абдулла Орипов ҳақида сўз кетганда ўзбекнинг танти ва жайдари фарзанди кўз олдимда гавдаланади. Катта шоир ҳамиша ўз вақтида майдонга келади, у – ҳамиша тарихий. Зотан, шоир ўз халқининг овози, унинг орзу-умидлари ва инсон қалби изтиробларининг ифодачисидир. Институтимизда ҳам адибнинг ижодини тарғиб қилиш мақсадида йўл харитаси ишлаб чиқилиб шоир ижоди ва ҳаёт йўлига бағишланган кўплаб

маънавий-маърифий, бадиий ва ижодий тадбирларни барчасига иштирок этиш менинг асосий мақсадларим. Жумладан, Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишлиланган музей ташкил қилишда ҳам адабнинг ижоди ва ҳаёт йўлига бағишлиланган онлайн-вебинарлар ташкил этишда ҳам, шунингдек, институтда Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлашда ҳам иштирок этдим. Ўзбекларга хос донишмандлик, бағрикенглик, хокисорлик ва андиша Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига сингиб кетган. У ўзбекнинг рамзи бўлган ижодкор. Бундай эътирофлар ўз-ўзидан дунёга келган эмас. Бир пайтлар овози икки дарё оралигига қолиб кетганидан ўксинган шоир истиқлолдан кейин дунё миқёсида эътироф этилди. Мен шундай шоирнинг издоши эканлигимдан фахрланаман.